Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№44 (393)
2020 йил 9 июнь, сешанба
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 8 июнь куни ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар ижроси бўйича тақдимот ўтказилди.

Шу йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Тақдимотда соҳадаги мақсадларга замонавий дастурчилар тайёрлашни жадаллаштириш орқали эришиш мумкинлиги қайд этилди.

«Бир миллион дастурчи» лойиҳасининг дастлабки босқичида 62 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олиниб, уларнинг 5 минг 400 нафарига малака сертификати берилди.

Жорий йил якунига қадар 100 мингта ва 2021 йилнинг биринчи ярмида яна 150 мингта ўқувчини ўқитиш, талабаларнинг дастурий таъминот бўйича малакасини ошириш вазифаси белгиланди. 5-синфдан ўқитиб келинаётган «Информатика» фанини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш, ушбу фанга «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига доир йўналишларни киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт, «Электрон ҳукумат» хизматларига талаб кундан-кун ортиб бормоқда. Лекин ҳозирда 780 турдаги давлат хизматидан бор-йўғи 185 тасидан «электрон портал» орқали фойдаланиш имконияти мавжуд. Аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат ҳужжат алмашинувини электронлаштириш билан чекланиб қолмоқда.

Шу боис, «Электрон ўқитиш дастури» орқали ўқиб диплом олган дастурчиларни давлат ва хўжалик муассасаларига IT мутахассис сифатида ишга олиш зарурлиги таъкидланди. Улар ташкилотларнинг барча фаолиятини анъанавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказишга масъул бўлади.

Мисол учун, бугунги кунда камбағал оилаларга кредит ва субсидиялар бериш масаласини махсус электрон дастур аниқ мезонлар асосида автоматик равишда белгилаши керак.

Бош вазир маслаҳатчисига халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, ташкилотларда рухсат бериш ва қарор қабул қилиш жараёнларини электрон форматга ўтказиш бўйича концепция ишлаб чиқиш топширилди.

IT инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бу борадаги саводхонлигини ошириш давр талабидир. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига барча ҳудудларда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув маркази очиш вазифаси юклатилди. Бу даргоҳларда дастурлаш асослари, электрон савдо ва графикли дизайн каби йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Соҳа мутахассисларига шароит яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки бунёд этилган эди. Андижон ва Марғилон шаҳарларида мазкур IT паркнинг филиаллари ташкил қилинди. Пойтахтимизда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот технологиялари мактаби ҳудудида яна бир филиал биноси қурилмоқда.

Жорий йил якунига қадар Гулистон, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах шаҳарларида ҳам шундай филиаллар ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимотда мутасаддилар мазкур IT парклар қурилиши, оптик толали линиялар қамрови, мобиль интернет тезлиги ва сифатини ошириш ишлари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**



# ЕР УСТИ МЕТРОСИ қурилишида ишлар қизғин

Тошкентнинг Сергели тумани кундан-кун замонавийлашиб бормоқда. Кейинги 3 йилда туманда 19 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 26 та намунавий кўринишдаги маҳалла гузари барпо этилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли сони 276 минг нафардан ошиб кетди.



Сергели тумани пойтахт маркази билан асосан Янги Сергели кўчаси орқали боғланган бўлиб, аҳолининг ортиб бориши эса тирбанд, автобуслар тиқилинч бўладиган ушбу кўчага янада қўшимча юклама бўлди. Табиийки, ушбу ҳолат туманда истиқомат қилаётган аҳоли учун қулай ва хавфсиз транспорт коммуникация тизимини янада ривожлантириш зарурлигини юзага келтирмоқда. Бундай шароитда ер усти метроси жуда қўл келиши инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

*(Давоми 2-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди.

2. 2020 йил 1 июлдан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати иловага мувофиқ кенгайтирилсин.

3. **2020 йил 1 июлдан** бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш **хабар бериш тартибида** ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобиль илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда **вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади;**

ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, **базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи** ҳажмида тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги тўғрисидаги талаб сақланиб қолади.

*(Давоми 2-бетда)*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛАДИГАН ЙЎЛ ВА КЎПРИК ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ





Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳасининг умумий қиймати 280 миллиард сўмдан зиёд. Мазкур лойиҳага кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади. Бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлигача янги кўча қурилиб, ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Қипчоқ кўчасида қурилаётган янги кўприкка туташади.

Жами 5,6 километрлик бу йўл соатига 3 мингта транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.



Президентимиз пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатига кўпроқ шароит яратиш зарурлигини қайд этди.



Йўл ҳаракатини тўғри ташкиллаштириш натижасида йилига 19 миллион долларлик ёнилғи тежалиши, 129 миллион долларлик тахминий зарарнинг олди олиниши ҳисоб-китоб қилинган. Автобуслар сони ва йўналишларини оптималлаштириш орқали йилига 2,5 миллион доллар иқтисодий самарага эришиш мумкин.



Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖ ТОМОНИДАН ҚИЙМАТИ 83 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЛГАН 7 КИЛОМЕТР УЗУНЛИКДАГИ СЕРГЕЛИ ЕР УСТИ МЕТРОСИ ВА УНИНГ "ЧОШТЕПА", "ТОШКЕНТ ҲАЛҚА ЙЎЛИ", "СЕРГЕЛИ", "АФРОСИЁБ", "ҚИПЧОҚ", "ЧИНОР" БЕКАТЛАРИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№44 (393) 2020 йил 9 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. **Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи (ишлар бажарувчи) ўзини ўзи банд қилган шахсларга** (фрилансинг) қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун чет элдаги жисмоний ва юридик шахслар – норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банкларидаги ҳисобрақамларига қабул қилиш;

контракт тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш учун қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи мобиль иловани ишлаб чиқсин ҳамда жорий қилсин:

буюртмаларни қабул қилиш ва кўрсатилган хизматлар (товарлар) учун тўловларни амалга ошириш;

юридик шахсларга хизматлар кўрсатишда (товарларни сотишда) электрон ҳисоб-китоб фактураларни тақдим қилиш;

мобиль илова ёрдамида ихтиёрий асосда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда ушбу маълумотлардан кейинчалик, шу жумладан, кредит олиш ва (ёки) солиқларни ҳисобдан чиқариш мақсадида фойдаланиш;

ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг товарларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш;

кўрсатилаётган хизматлар (товарлар) сифатини баҳолаш ва истеъмолчилар томонидан фикр-мулоҳазалар қолдириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар – тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинади;

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш уларни давлат томонидан рўйхатдан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) **тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича** амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома **унда якка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда** берилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шуғулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайдилар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси **2021 йилда** тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни осонлаштириш, шу жумладан, қуйидагиларга имкон яратувчи сервислардан реал вақт режимида фойдаланишга ёрдам берадиган **«Бизнес навигатор»** ахборот тизимини **жорий қилсин:**

тадбиркорлик фаолиятининг тегишли ҳудуддаги рақобатбардош турини танлаш;

кредит олиш учун зарур бўлган бизнес-режа лойиҳаси ва ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;

тегишли тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этилган имтиёз ва преференциялар тўғрисида маълумот олиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк объектларини танлаш.

9. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари «Бизнес навигатор» ахборот тизимини яратиш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишларнинг молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини тайёрлашда қуйидагиларни назарда тутсин:

ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдорини ўрнатиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ишчиларига ёлланиб ишлаш асосида меҳнат фаолиятини олиб борувчи шахслар учун ўрнатилган солиққа тортиш тартибини татбиқ қилиш.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда амалий аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 8 июнь

# ЕР УСТИ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДА ИШЛАР ҚИЗҒИН



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жорий йил 29 май куни Давлатимиз раҳбарининг Сергели тумани фаоллари билан ўтган учрашувида ҳам транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоралари муҳокама қилиниб, Сергели ер усти метросини жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш вазифаси қўйилди. Президент 4 июнь куни Тошкент шаҳрида янги йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишар экан, пиёдалар ҳаракати учун шароит яратиш баробарида одамларнинг ҳаловати, саломатлиги устувор бўлиши кераклигини таъкидлади. Аслида ер усти метросини лойиҳалаш давридаёқ худди шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

– Белгиланган лойиҳага асосан Сергели йўналишининг умумий узунлиги 6,94 километр бўлиб, «Чош-тепа», «Тошкент ҳалқа йўли», «Сергели», «Афросиёб», «Қипчоқ» ва «Чинор» бекатларидан иборат, – дейди «Тошкент метрополитени» унитар корхонасининг Тошкент метрополитени линияларини қуриш дирекцияси бошлиғи Сойибжон Жўраев. – Айни пайтда бекатлар ва уларнинг оралиғида белгиланган режа бўйича «Кўприкқурилиш тресті» унитар корхонасининг тажрибали мутахассислари томонидан бунёдкорлик



ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш-монтаж жараёнларининг кенг кўламда олиб борилишини таъминлаш мақсадида зарур бўлган 60 та замонавий техника ва механизмлардан унумли фойдаланилмоқда. Объект қурилишида 700 дан ортиқ мутахассислар 2 сменада иш билан банд.

Қурилиш объектидаги жами 6 та бекатнинг 5 таси ва уларнинг оралиғидаги таянч устунлар учун пойдевор қуйиш ишлари Германия технологияси асосида бурғулаш услубида юқори сифатда амалга оширилиб, эстакада таянч устунлари тўлиқ ўрнатиб чиқилди. Уларнинг орасига 26 метрлик балкалар сифатли ва мустаҳкам монтаж қилинмоқда. Шунингдек, бекатларга эскалатор ўрнатиш учун пойдевор, ғишт териш, ташқи фасадни мармар билан қоплаш, электр ёритиш учун симлар ётқизиш ишлари олиб борилиб, йўловчи платформа тўсинларининг монтаж ишлари ҳамда металл конструкцияларни ўрнатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Маълумки, Тошкент метрополитени Сергели линиясининг «Чош-тепа» бекати Чилонзор йўналишидаги «Олмазор» ер ости бекати билан боғланади. Белгиланган лойиҳанинг ушбу мураккаб ечимини амалга оширишда қурувчилар «Чилонзор» электродепоси ҳудудида чап ва ўнг таянч деворларини ўрнатиш бўйича 21 550 куб метр ҳажмдаги ер ишларини якунига етказишди. Айни пайтга қадар бу ерда дастлабки рельслар ётқизиш ишлари бошлаган бўлиб, «Тошкент ҳалқа йўли» бекатидан «Сергели» бекатига қадар қарийб 600 метрга яқин рельслар жойлаштирилди. Ушбу йўналишнинг туннель қисми Тошкент метрополитенининг Чилонзор йўналишидаги «Олмазор» ер ости бекатига уланди ва туннелни қайта кўмиш ишлари якунланиб, асфальт қопламаси ётқизилди. Эътиборлиси, «Чош-тепа» бекати янги қурилаётган линиянинг дастлабки эстакада шаклидаги бекатига айлантирилади.

Йўл қурувчиларимиз томонидан «Тошкент ҳалқа йўли» бекатида ҳам таянч устунларга ҳамда эскалатор ўрнатиш учун пойдеворлар, ғишт териш, ташқи фасадни мармар билан қоплаш, электр ёритиш учун симлар ётқизиш ишлари якунланиб, ҳозирги кунда бекатнинг ички безак ишлари сўнгги босқичда амалга оширилиб, бекат томининг металл конструкцияларини ўрнатиш ишлари якунланди. Лойиҳа бўйича жами 34 та металл ферма ўрнатилган бўлиб, бекатнинг платформа қисмини бетонлаш ишлари тўлиқ якунланди, перронларга мармар плиталар ётқизилиб, ички пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

«Сергели» бекатида ҳам пойдевор қуйиш учун қазиш, ғишт териш ва эскалатор пойдеворини қуйиш ишлари тўлиқ якунланди. Бекат металл томининг 770,6 квадрат метр қисмини ўрнатиш ишлари тамомланиб, унинг ички ва ташқи деворларини пардозлаш ишлари учун тайёр ҳолга келтирилган. «Афросиёб» ва «Қипчоқ» бекатларида ҳам бино пойдеворларини қазиш ва бетон қуйиш, бекатларда ташқи ва ички оралиқ деворларига ғишт териш, сувоқ қилиш ҳамда «Афросиёб» бекатининг платформа қисмига оралиқ темир-бетон балкалари ўрнатиш ишлари якунланди.

Сергели линиясининг лойиҳа сметаси ҳужжатларида кўрсатилган жами 1 686 дона темир-бетон балканинг 64,4 фоизи ёки 1 минг 86 донаси, 254 дона таянч устун ригелининг 86,6 фоизи ёки 220 донаси ўрнатилиб, 265 дона таянч устунларининг 83,0 фоизи ёки 220 донаси (опора) ҳамда 580 метр туннель қисмида қурилиш ишлари якунланди.

Тажрибали мутахассислар томонидан барча ер усти метро бекатларида замонавий техникалар, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Хусусан, имконияти чекланган йўловчилар учун бекатлар платформасида хавфсиз тактил плиткалар ётқизилиши ҳамда йўловчиларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизликни таъминлаш мақсадида бекатларда замоновий видео-кузатув ускуналари, IT русумдаги замонавий турникетлар ҳамда электр тежайдиган ёритиш чироқлари ўрнатилади. Мобиль алоқа ускуналари электр қувватлагичлар билан жиҳозланади.

Ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда баландликда ишлашда хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя этишларига катта аҳамият қаратилган. Ҳар бир мутахассис ва ходимни коронавирус пандемиясидан сақлаш мақсадида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда фаолият олиб бориш ташкил этилган.

**Ўз мухбиримиз.**

9 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО АРХИВЛАР КУНИ

# Архивлар – тарих кўзгуси

**Бугунги кунда мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги тизимида 3 та Ўзбекистон миллий архиви, 14 та архив иши ҳудудий бошқармаси ва улар тизимида 100 та вилоят, шаҳар, туман Давлат архивлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 11 та нодавлат архив ва 109 та шахсий таркиб ҳужжатлари Давлат архивлари мавжуд. Ҳужжатларни қамраб олиш имкониятларини кенгайтириш ҳисобига Давлат архивларида сақланаётган манбалар сони ортиб, ҳозирда юртимизда 8,4 миллион сақлов бирлигида миллий архив фонди ҳужжатлари мавжуд. Уларни рақамлаштириш, онлайн хизмат турларини кенгайтириш, ҳужжатларни яхши сақланиши учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш асосий эътиборда.**



– Агентлик томонидан фуқароларни давлат пенсиялари билан таъминлашда, иш ҳақи ва иш стажи тўғрисидаги архив маълумотномаларини олиш бўйича Ягона ахборот тизим яратилмоқда. Республика архивларида ҳужжатлари сақланаётган 70 мингдан зиёд ташкилотларнинг маълумотлар базасини такомиллаштириш, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари, Пенсия жамғармаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги базасига интеграция қилиш устида иш олиб борилмоқда, – дейди «Ўзархив» агентлиги директори Улуғбек Юсупов. – Фуқаролардан ушбу маълумотномаларни олиш учун эндиликда Давлат архивларига келиши шарт эмас, чунки бунақа маълумотномалар олиб келиш талаби бекор қилинди. Шу билан бирга архив соҳасида 10 га яқин электрон тизим жорий этилган. Архив ишини тўлиқ қамраб олувчи ва уни автоматлаштиришга мўлжалланган тизим устидаги ишлар жадал суръатларда. Карантин пайтида аҳолига барча архив хизматларини онлайн тарзда кўрсатиш мақсадида уларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали, агентлик ва архивларнинг расмий веб-сайти, электрон манзили ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар орқали сўров юборишлари учун имкониятлар яратилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалари қатори архивлар ишини ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Қувонарлиси, юз йиллик тарихни ўзида қамраб олган архив хизмати бугунги кунда замонавий кўриниш касб этиб, юртимизнинг моддий-маданий меросини синчковлик билан асраб-авайлаш, архив манбаларини ҳисобга олиш, сақлаш, кенг фойдаланишни ташкил этиш билан бирга, архив муассасалари фаолияти ва хизматларини модернизация қилиш ҳамда ахборотлаштириш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда. Бу каби эзгу ишларни биз республикамизнинг ҳатто энг чекка ҳудудларида ҳам қад ростлаётган архив муассасалари биноси мисолида кўришимиз мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида вилоятда Давлат архиви учун замонавий бино қуриш бўйича топшириқ берганди. Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, 2019 йилнинг якунида Ўзбекистонда Давлат архивлари тизими ташкил топганига 100 йил тўлиши муносабати билан Сурхондарё вилояти Давлат архивининг етти қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳри марказида қад ростлаган бинода замонавий шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 500 минг сақлов бирлиги мавжуд. Иншоотнинг қўшимча мобиль жавонлар билан жиҳозланиб, моддий-техника базаси яхшиланиб бораётгани ҳисобига келгусида архив сиғимини яна икки баравар ошириш режалаштирилган. Шу билан бирга 2019 йилда Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани давлат архивининг уч қаватли, Ангор ва Музработ туманларининг ҳар бирида икки қаватли замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда Сариосиё, Бойсун ва Шўрчи туманларида худди шундай янги бинолар бунёд этилиши режалаштирилган.

– Вилоят Давлат архивида 1917 йилдан буён сақланаётган ҳужжатлар Сурхондарёнинг тарихи, маданияти, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маҳаллий саноат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларини ўзида акс эттиргани билан бебаҳодир, – дейди Сурхондарё вилояти Давлат архиви катта фонд сақловчиси Искандар Нурхонов. – Архивда сақланаётган ҳужжатлар ўзбек, рус, араб тили ва лотин ёзувларида экани билан эътиборга молик. Таъкидлаш жоизки, бугунги тезкор давр талаби ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган янгиланиш жараёни архив муассасалари фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилишни тақозо этади.

Архив ҳужжатларининг ҳажми ва оқими йил сайин ортиб бораётганини назарда тутсак, бу жараён уларнинг қийматини аниқлаш, экспертизациялаш ишлари кўламига жиддий ёндашувни талаб этади. Шу боис, аҳолига белгиланган тартибда хизмат кўрсатиш мақсадида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилмоқда.



2000 йилда Самарқанд вилоят Давлат архивининг Пастдарғом тумани филиали ташкил этилган ва архив филиалига 258 та фонд 26 091 сақлов бирлигидаги Пастдарғом ва Нуробод тумани ҳужжатлари олиб келинган. Архив филиалининг ўз биноси бўлмагач, ижарадаги бинода фаолият юритишига тўғри келган. 2012 йилда филиал Пастдарғом тумани Давлат архивига айлантирилди. Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби архив ишини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туман Давлат архиви томонидан Пастдарғом ва Нуробод туманларидаги жисмоний ҳамда юридик шахсларга, шунингдек, ташкилот, корхона ва муссасаларга архив хизматлари кўрсатиб келинмоқда. 2019 йилда Пастдарғом туманида 150 минг сақлов бирлигидаги ҳужжатларни сақлаш имконияти мавжуд бўлган 2 қаватли замонавий, барча қулайликларга эга архив биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорларимиз томонидан маҳаллий қурилиш материаллари асосида замон талабларига мос равишда барпо қилинган мазкур бинода архив ҳужжатларини сақлаш учун барча шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги жорий йил 8-15 июнь кунлари «Архивлар ҳафталиги» тадбирларини ташкил этди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

**Кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни барпо этилаётган янги замонавий турар жойлар, ташкил этилаётган шаҳар ичра кичик шаҳарчалар, осмон билан бўйлашган бино ва ижтимоий соҳа объектлари, йўл ва кўприклар мисолида гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, пойтахтимиз Тошкент ҳам ана шундай катта қурилиш майдонига айланган, десак, муболаға бўлмайди.**

# Уй-жойларни сифатли бунёд этишга жиддий эътибор қаратилган



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Авайхон» маҳалласида қад кўтараётган 16 қаватли турар жойларга бундан 6 ой илгари пойдевор қўйилганди. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК буюртмаси асосида Мирзо Улуғбек туманида 12 та 16 қаватли уйларни барпо этиш ишлари бугун жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Ушбу мавзега туташ ҳудудда қурилаётган 6 та 9 қаватли уйлар ҳам келгусида уй-жойга муҳтож бўлган юртдошларимизнинг тақдим этилади. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК қурувчи-муҳандислари томонидан мукаммал сифатли қад ростлаётган ушбу турар жой бинолари жорий йил якунига қадар битказилиши режалаштирилган. Ички фасад қисми, сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаётган ушбу қурилиш объектида газ қувурлари ётқизилиб, томлар ёпиляпти. 2000 дан ортиқ қурувчи ва ишчилар ҳамда кўплаб йирик техника воситалари жалб этилган қурилиш майдонида карантин қоидаларига тўлиқ амал қилинмоқда.

Бугунги кунда бино ва иншоотларнинг барпо этилишида замонавий, энергия тежамкор, табиий ресурсларни иқтисод қилишга мўлжалланган кам-харж ва сифатли қурилиш материаллари хусусида кўп гапирамиз. Эътиборли жиҳати, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этилган айнан мана шу турдаги маҳаллий маҳсулотлар турар жойларнинг қурилишида мустаҳкамлик ва сифатни кафолатлайди. Ҳар бир хонадонларга алоҳида иситиш воситаларининг ўрнатилгани эса табиий ресурслардан бири бўлган сувни тежашда ҳамда уни исроф қилмай сарфлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Биноларнинг мустаҳкам этиб қурилаётгани, 9 баллик зилзила юз берганда ҳам унинг бардош бера олишини эътироф этиш жоиз. Турар жойлар қуйма темир бетон материаллари асосида қад ростламоқда. Миллий удумларимиз ва қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда кўп қаватли уйлардаги хоналарнинг жойлаштирилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кенг ва ёруғ хоналар, йўлаклар шундай профессионаллик билан жойлаштирилганки, бунда ҳаттоки қуёшнинг нури, ҳавонинг айланиши ва натижада уйда мўътадил об-ҳавони таъминлаш масаласи ҳам лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида эътиборга олинган.

– Бугунги кунда ушбу қурилиш майдонларида барпо этилаётган уйларнинг ички ва ташқи пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда, – дейди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК муҳандис-технологи Элёрбек Матниёзов. – Аввало, уйларни лойиҳалаш ва қуришда миллий менталитетимиз эътиборга олинди. Буни биз хонадонларнинг катта майдони ва улар бир-биридан узоқда, тартиб билан жойлаштирилгани мисолида кўришимиз мумкин. Ҳар бир квартира 2, 3 ва 4 хонадондан иборат бўлиб, масалан, биргина 2 хонали уйнинг майдони 73 метр квадратни ташкил қилса, 4 хонали уйлар эса 106 метр квадратдир. Бу эса болажон халқимиз учун жуда қўл келади.

«Авайхон» маҳалласида қад кўтараётган уйларнинг ҳар бир хонадони алоҳида иситиш тизимлари билан тўла таъминланган. Бу ўз навбатида табиий ресурсларни тежашга, бесамар сарф этмасликка замин яратади. Эшиклар, ташқаридан совуқни ва шовқинни ўтказмайдиган ромлар аҳолига манзур бўлиши шубҳасиз. Пишган ғиштлар ва йиғма конструкциялар (панелли) уйларнинг атрофи ташқаридан бетон қопламалар билан тўлиқ ўралган бўлиб, улар қиш фаслида иссиқни ёзда эса салқинни таъминлаб беради. 16 қаватли уйларнинг ҳар бири 1 та йўлакдан иборат бўлиб, ҳар бир қаватда 4 та хонадон жойлаштирилган. Йўлакларнинг кенглиги, ёруғ ва шинамлиги, биноларга замонавий лифтларнинг ўрнатилгани ҳам албатта бу ерга кўчиб келган аҳолига жуда катта қулайликларни яратади. Бугунги кунда мазкур қурилиш майдонида 10 та минорали кран, кўплаб бетон қориштирувчи машиналар, шунингдек, ободонлаштириш мақсадида йўл текисловчи транспортлар, техника ва асбоб ускуналар жалб этилиб, бу уйлар ва йўлларнинг тез фурсатларда сифатли, кўркам бўлиб барпо этилишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда уй атрофларидаги ерларда қазиш ишлари якунига етказилиб, иссиқлик, газ ва канализация тизими учун қувурлар ётқизилмоқда. Қувонарлиси, айнан «Авайхон» ҳудудида барпо этилаётган уйлар сентябрь ойида битказилиб, аҳоли ихтиёрига топширилади. Натижада 1 120 та оила ўзининг доимий турар жойига эга бўлади. Булардан ташқари, компания томонидан шу кунларда параллел равишда Яшнобод туманидаги Ҳарбий шаҳарчада, Андижон, Фарғона, Хоразм, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Гулистон шаҳрида ана шундай замонавий кўринишдаги кўп қаватли турар жойлар барпо этилмоқда.

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида ҳам 4 та 7 қаватли 168 та хонадонга эга бўлган уйлар бунёд этилмоқда. Маълумки, Фарғона вилояти сейсмик жиҳатдан фаол ҳисобланади. Айни жиҳатларни эътиборга олган ҳолда лойиҳачи ва қурувчилар биноларнинг зилзилабардошлиги 9 баллга мўлжалланганига эътибор қаратганлар. Уйларнинг том ёпиш ишлари якунига етказилиб, пастки қаватларнинг ички пардоз ишлари бошлаб юборилган.

«Хавфсиз шаҳар». Ушбу тушунча ҳаётимизга кириб келганига кўп вақт бўлмади. Бироқ, унинг афзалликлари ва самарасига тез фурсатларда гувоҳ бўлдик. Аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, турли жиноятлар ва уларнинг олдини олишда ушбу кузатув камераларининг аҳамияти катта. Лойиҳачилар томонидан таклиф қилинган ушбу кузатув камералари, замонавий турдаги лифтлар, хонадонлардаги зарур жиҳоз ва ички тизимлар буларнинг барчаси замонавий турар-жойларни барпо этишда бирламчи талаблардан бири ҳисобланади.

– Аҳоли эҳтиёжи учун қурилаётган турар жой мажмуалари ўзининг сифати ва замонавийлиги билан ажралиб туради, – дейди «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК Ахборот хизмати раҳбари Фарруҳ Дўстов. – Кейинги йилларда компаниямиз томонидан 1007 та кўп қаватли уйлар барпо этилди. Мазкур уйларнинг 158 таси 5 қаватли, 799 таси 7 қаватли 47 таси 9 қаватли уйлар, 2019 йилдан эътиборан эса 16 қаватли уйларни қуриш йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 1 та 16 қаватли, Андижон шаҳрида 2 та 16 қаватли турар жой биноси қад ростлади. Бу ўринда энергия тежамкор сифатли қурилиш материалларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

Бугун Ўзбекистон улкан бунёдкорликларга юз тутган. Пандемия шароитида гарчи қурилиш компанияларининг фаолияти маълум муддатга тўхтатилган бўлса-да, аммо ҳозир кўплаб қурилиш майдонларида карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ишлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда. Халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилувчи ушбу иморатларни ўз вақтида ва мустаҳкам бунёд бўлишида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган юртимизнинг малакали қурувчи ва муҳандисларининг хизмати жуда катта.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Қорақалпоғистонда яна бир замонавий бино қад ростлади



**Аҳолига сифатли ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида замонавий қиёфа касб этган, барча қулай шарт-шароитларга эга қурилиш иншооти барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.**

Кун сайин чирой очиб бораётган Қорақалпоқ ўлкасида кейинги йилларда замонавий лойиҳалар асосидаги янги бино ва иншоотлар барпо этилиб, аҳоли ихтиёрига топширилмоқда. Аввалари Беруний туманида жойлашган Давлат хизматлари маркази кўримсиз бинода фаолият юритарди. Ачинарлиси, хоналар ва фуқаролар кутиш зали ҳаминқадар, аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто уларга навбатни кутиши, фарзандларининг кутиб туриши учун ҳеч қандай шароитлар бўлмаган. Бу эса ходимлар ва аҳоли учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Эндиликда қад ростлаган янги замонавий бино нафақат Беруний туманининг кўркига айланди, балки аҳолига самарали давлат хизматини амалга оширишга шай ҳолатга келтирилди.

Беруний туманидаги Давлат хизматлари марказининг қурилиши учун 540,0 квадрат метрлик ер ажратилганди. Туманнинг Халқлар дўстлиги кўчаси ҳудудида жойлашган мазкур объект қисқа фурсатларда барпо этилди. Замонавий лойиҳа асосида қурувчиларимизнинг сидқидилдан қилган меҳнати эвазига бунёд бўлган ушбу марказ барча зарур қулайликларга эга. Ахборот технологияларининг энг илғор воситалари, мебель жиҳозлари, малакали мутахассислар, ҳуқуқшунослар билан таъминланган ушбу марказда аҳоли мурожаатларини ўрганиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган.

Марказ ходимлари махсус ускуналар – рақамли имзо планшетлари билан таъминлангани аҳоли мурожаатларини ўрганишда, уларга хизмат кўрсатишга замин яратади. Айтиш мумкинки, давлат хизматлари марказлари ўзининг қулайлиги ва кенг қамровлилиги билан аҳолига ҳар тарафлама манзур бўлмоқда. Янги бинонинг кириш қисмида хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот берувчи INFOLAND ўрнатилган бўлиб, унда давлат хизматлари маркази томонидан кўрсатиладиган хизмат номлари ва уларнинг QR-кодлари жойлаштирилган. Мобил телефонда QR-кодни сканер қилиш ҳамда илова орқали ушбу хизмат ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконияти мавжуд.

– Давлат хизматлари марказининг янги қурилган биносида барча қулайликлар мужассам, – дейди марказ бўлим бошлиғи Қудрат Розимов. – Иншоотда дам олиш хонаси, тиббиёт хонаси ҳамда болалар майдончаси мавжуд. Бу эса фарзандлари билан келган ота-оналарга қулайлик яратади. Алоҳида она ва бола хонаси, махсус ўриндиқлар, сўнгги ахборотлардан бохабар қилувчи мониторлар, телевизорлар барчаси аҳоли ихтиёрида. Маълумки, бугунги кунда аҳолининг юридик хизматга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ҳуқуқий маслаҳатларга доимо талаб юқори. Айнан шуларни эътиборга олган ҳолда Давлат хизматлари марказига ташриф буюрган фуқаролар учун шу ернинг ўзида юридик хизмат кўрсатилади. Адлия вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Мадад» ННТ ҳуқуқий маслаҳат бюросининг малакали ходимлари бу ерда аҳолига бепул юридик маслаҳатлар бериб бормоқда.



Ҳозирда мамлакатимизда жорий этилган карантин қоидаларига қатъий риоя қилишлик ҳар биримиздан ўта огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Айниқса, жамоат жойларида ушбу қоидаларга қатъий риоя қилиш ўзимиз ва атрофдагиларнинг саломатлигини муҳофаза этиш, ушбу вирусни юқтириб олмаслик кафолатидир. Шу каби муҳим жиҳатларни инобатга олган ҳолда фойдаланишга топширилган Давлат хизматлари маркази зарурий антисептик воситалар билан тўлиқ таъминланган. Ўз мурожаати билан келган ҳар бир фуқаронинг тана ҳарорати ўлчанмоқда. Марказ ходимлари уларга масофани қатъий сақланган ҳолда 130 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатишмоқда.

– Туманимизга кўрк қўшиб турган яна бир янги бино Давлат хизматлари марказининг фойдаланишга топширилиши катта воқеликлардан бири, – дейди тадбиркор Айнура Оразова. – Кейинги йилларда республикамиз, қолаверса, туманимизда юз бераётган катта ўзгаришлар биз фуқароларни эртанги кунга бўлган ишончимизни янада оширмоқда. Чунки, буларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган. Мен Беруний туманида фаолият юритаётган тадбиркор сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, авваллари бирор фаолият тури билан шуғулланишни бошламоқчи бўлганимизда асосий вақтимиз ҳужжат йиғиш ишларига сарф бўлган. Давлат хизматлари марказига келиб 15-20 дақиқанинг ўзида ишимиз ҳал бўлаётганидан ҳурсандмиз.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида Давлат хизматлари марказлари фаолиятини такомиллаштириш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда. Шу кунларда яна иккита ДХМ қурилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Олис ҳудудларда эса сайёр давлат хизматларини кўрсатиш ишлари амалга оширилиб, аҳоли ўртасида уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди

**Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий тармоқларнинг моддий-техник базасини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали янада мустаҳкамлаш, корхоналар негизида қурилиш ашёлари, зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, истиқболли маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган цехлар фаолиятини ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖнинг ҳудудлардаги корхоналари томонидан ҳам бу борадаги ишлар тизимли йўлга қўйилган. Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация ва янги қурилиш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2661 сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан «Тошкент ҲЭТК» АЖ томонидан Оққўрғон тумани «Зарафшон» МФЙ ҳудудида СВ-110-3,5 ва СВ-9,5-2,0 русумли темир-бетон таянчларни ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

– Янгиликка интилувчан, изланувчан ва меҳнат фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилаётган жамиятимиз, қолаверса соҳани янада ривожлантириш йўлида иш бошлаётган янги цех юртдошларимизни сифатли, энг муҳими, маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига ишонамиз, – дейди «Тошкент ҲЭТК» АЖ раҳбари Нилуфар Ботирова. – Зеро мамлакатимизда тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилаётгани пировардида юртимиз фаровонлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сифатли ва арзон маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, кунига 25-30 дона темир-бетон таянчи ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган янги цех тўла қувват билан ишлашни бошлагач, вилоятдаги мавжуд қурилиш ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш имкониятлари кенгайиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш, ходимларга муносиб ҳақ тўлаш, қолаверса иш сифатини янада ошириш орқали маҳаллий аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI

Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасидаги бош ва етакчи мутахассис вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!



ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:

- олий маълумотга эга;
- мутахассислиги архитектор ёки бино ва иншоотлар қурилиши;
- компьютерда мукаммал ишлай оладиган (Word, Exell, Power Point);
- лойиҳа ташкилотларида камида 5 йил ишлаган;
- пойиҳалаштиришнинг замонавий дастурий таъминотларидан фойдалана оладиган;
- рус ва инглиз тилларида гаплаша оладиган;
- хорижда таҳсил олган ёки малака оширганлиги қўшимча имтиёзга эга.

*Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.*
*Тел.: 71-210-11-04 (қўшимча 10-60).*
www.mc.uz

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш | 3 790 582 847 | 180 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 75-сонли мактабни реконструкция қилиш билан ёнида 216 ўринга ўқув блоки қурилиши | 2 234 617 952 | 150 кун |
| 3. | Навоий вилояти, Нурота тумани, «Темирқовуқ» МФЙ ҳудудидаги 32-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш | 3 371 108 945 | 180 кун |
| 4. | Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 38-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш | 4 722 472 664 | 210 кун |
| 5. | Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 8-сонли мактабни реконструкция қилиш билан 630 ўқув ўринга ўқув блоки қурилиши | 6 445 680 677 | 180 кун |
| 6. | Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 24-сонли мактабни реконструкция қилиш билан 160 ўқув ўринга ўқув блоки қурилиши | 2 062 968 435 | 180 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
**Манзили:** Навоий шаҳар Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Ғазғон шаҳри, Мармаробод массиви, «Мармаробод» МФЙ ичимлик сув тармоғи реконструкцияси (1-босқич) | 2 320 551 473 | 120 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Ғазғон шаҳрида ташқи оқава тизимлари қурилиши | 13 784 593 231 | 210 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ҳудудий бошқармаси.

**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 52.

**Молиялаштириш манбаси:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда тендер эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан 15 кунга қадар қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 15 кундан кейин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, «Ўзбекистон» МФЙ ҳудудида жойлашган 140 ўринли 7-сонли МТМни реконструкция қилиш билан ошхона қурилиши | 1 128 312 693 | 150 кун |

**Молиялаштириш манбаси:** маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан.

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Кармана туманидаги 96481 ҳарбий қисм ҳудудида ҳарбий шаҳарча атрофига тўсиқ билан ёритиш ва техник қўриқлаш тизими ўрнатиш, захира дарвозаси ва назорат ўтказиш пункти қурилиши | 1 227 111 379 | 180 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
**Манзили:** Навоий шаҳар Навоий кўчаси, 63-уй.
**Тел.:** (79) 224-08-81.
**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Навоий вилояти, Нурота тумани марказидаги оқова тизим қурилиши (2-босқич) | 851 555 179 | 90 кун |
| 2. | Навоий вилояти, Ғазғон шаҳри, «Мармаробод» МФЙ, Ҳуррият кўчасидаги 13 та кўп қаватли уй-жойлар сув тизимларини қурилиши ва реконструкцияси | 309 940 732 | 90 кун |

**Буюртмачи:** Навоий вилояти «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ҳудудий бошқармаси.

**Манзил:** Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 52.

**Молиялаштириш манбаси:** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Тел.:** (79) 220-50-03.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълони махсус ахборот порталида чоп этилган санадан бошлаб 10 кунгача қабул қилинади.

Таклифларни очиш муддати тендер махсус ахборот порталида эълон қилинган санадан бошлаб 10 кундан кейин.

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения, соответствующих сооружений и сетей канализации**

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004.**

**№ конкурсных торгов 2020-02**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития (ИБР) с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения и канализации в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР.

ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 994 п.м. подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения монолитных железобетонных резервуаров ёмкостью по 50 м3 в количестве 2 шт., здания насосной станции, водонапорной башни ёмкостью 50 м3 и 547 п.м. сетей канализации в сельской местности Навоийской области, а также для строительства 899 п.м. подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения в Джизакской области.

**Срок строительства составляет** – по Навоийской области – 5 (пять) месяцев и по Джизакской области – 3 (три) месяца.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в Руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в Руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу, в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Навоийская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1. **Телефон:** (79) 220-50-03. **Факс:** (79) 220-50-04. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, правомочными участниками может быть приобретен путём представления письменного обращения на имя организаторов торгов по вышеуказанному адресу с приложением платежного поручения из банка (о невозмещаемой оплате в размере одной МЗРП).

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Навоийская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Банк:** Навоийский городской филиал АКИБ «Ипотека-банк» **Р/с:** 2021 0000 8039 0394 6001 **ИНН:** 202 615 785 | **Банк:** Джизакский филиал АКИБ «Ипотека-банк» **Р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001 **ИНН:** 202 411 803 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов в период с даты объявления конкурсных торгов (с 10:00 до 17:00 с понедельника по пятницу) по адресу, указанному в пункте 3. Предложения будут приниматься в Территориальных консалтинговых центрах по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Тендерную гарантию требуется приложить к предложениям в размере не менее 2% от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:

| Навоийская область | Джизакская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1. **Телефон:** (79) 220-50-03. **Факс:** (79) 220-50-04. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-02 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

### Проект «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № лота | Наименование региона | Наименование массива | Протяженность сетей водоснабжения (п.м.) | Протяженность сетей канализации (п.м.) | Монолитный ж/б резервуар ёмкостью 50 м³ | Здание насосной станции | Водонапорная башня ёмкостью 50 м³ | Срок строительства | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ВСЕГО:** | | | **1896** | **547** | **2** | **1** | **1** | | |
| **по Навоийской области** | | | **997** | **547** | **2** | **1** | **1** | | |
| ИБР-86 | Кызылтепинский р-н | «Бунёдкор» | 161 | | | | | 5 месяцев | 10 июля 2020 года, 11.00 |
| | Караманинский р-н | «Маликработ» | 836 | 547 | 2 | 1 | 1 | | |
| **по Джизакской области** | | | **899** | | | | | 3 месяцев | 10 июля 2020 года, 11.00 |
| ИБР-87 | Ш. Рашидов | «Токчилик» | 899 | | | | | | |

| Область | № лота | Требуемый среднегодовой оборот (млн. сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (млн. сум) | Контракты аналогичного объёма и характера (млн. сум) | Общий опыт работы (год) | Земляные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Бетонные работы в объёмах по крайней мере (м³) | Укладка сетей водоснабжения из полиэтиленовых труб диаметром от 100 до 200 мм: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | Укладка сетей водоснабжения из полиэтиленовых труб диаметром от 100 до 200 мм: общей протяжённостью более __ км | Строительство монолитных ж/б резервуаров ёмкостью не менее ___м³ | Укладка сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм: со скоростью не менее ___ п.м. за один месяц | Укладка сетей канализации из не металлических труб диаметром от 160 до 200 мм: общей протяжённостью более __ км |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Навои** | ИБР-86 | 1634,00 | 273 | 872 | 3 | 800 | 100 | 500 | 1 | 50 | 500 | 1 |
| **Джизак** | ИБР-87 | 267 | 45 | 142 | 3 | 800 | 100 | 500 | 1 | | | |

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига «Қарши нефть базаси» МЧЖнинг 2020 йил 5 июндаги 09/498-сонли буюртманомасига асосан «Қарши нефть базаси» МЧЖга тегишли бўлган Қарши шаҳар Жайхун кўчасида жойлашган **умумий ер майдони** – 21 170,0 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 4 428,59 квадрат метр бўлган «Авто сервис ўқув маркази» мажмуаси бино ва иншоотлари мажмуа сифатида қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 13 714 495 656 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 10 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, «Тошсарой» кўчаси, 20-уй «Qashqadaryo mulk markazi» МЧЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу мулк аукцион савдосида 2020 йил 10 июль кунида сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 28 июль ва 14 август кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

**Талабгорлар мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 2060 9009 АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиали МФО 00190 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Қарши шаҳар «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz

**Интернет тармоғидаги веб-сайт:** www.1kms.uz

**Тел.:** (75) 225-44-58.

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## «Косон пахта тозалаш» АЖ

### акциядорлари диққатига!

«Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 29 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10.00 да Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўлида жойлашган «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бошланади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www. kosonpaxta.uz

### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқаруви органлари балансига ўтказиш.
15. Жамиятнинг 2017-2018 йиллардаги соф фойдасини, яъни акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига асосан тақсимланмаган (жамғарилган) фойда ҳисобига қолдирилган маблағларни акциядорлар ўртасида тақсимлаш.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш белгиланган. «Ўзпахтасаноат» АЖ таркибидаги «Косон пахта тозалаш» АЖнинг мол-мулкларини белгиланган тартибда унинг 11,25 фоиз (юридик) акциядори бўлган «Бунёдкор» МЧЖ корхонасига сотиш масаласини кўриб чиқиш.
17. Жамият мол-мулкларини бухгалтерия (марказий ҳисобхона) баланси бўйича тўлиқ мавжудлигини кўриб чиқиш ва қайта рўйхатдан ўтказиб баҳолаш.
18. Жамият фаолиятининг тугатилиши ҳамда белгиланган тартибда кластер корхоналарига сотилиши муносабати билан корхона мол-мулклари, асосий воситаларини бошқа шахсга бериш ёки тасарруф этиш ва йирик битимларнинг тузилишини тўхтатиш.
19. Жамиятнинг мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларини тўлиқ бартараф этиш.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларга асосан. «Косон пахта тозалаш» АЖ ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншооатларини пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 08 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри ( 3 иш куни олдин) 2020 йил 25 июнь ҳолатига шакллантирилади.

*Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун - нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун - мазкур юридик шахс томонидан берилган).*

*Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.*

***Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:*** *Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли, электрон почта:* **koson-paxta**@umail.uz *тел.:(0375)592-11-68.*

## «Чироқчи пахта тозалаш» АЖ

### акциядорлари диққатига!

«Чироқчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 27 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10.00 да Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уйда жойлашган «Чироқчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бошланади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Chiroqchipaxta.uz

### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилиши регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият 2019 йил якуни ва безнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.
15. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 914-сон қарорига асосан «Чироқчи пахта тозалаш» АЖ ҳамда пахта тайёрлаш пуктларининг бино ва иншоотларини пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш масалаларини кўриб чиқиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 3 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Чироқчи пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 153-уй.

**Электрон почта:** Chiroqchi-pt@umail.uz

**Тел.:** (75)56-21-993.

## «Respublika mulk markazi» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «COSCOM» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техник соз ҳолдаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда

1. 2008 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 038 ZFA. **Бошланғич баҳоси** – 72 382 632,75 сўм.
2. 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 085 ZFA. **Бошланғич баҳоси** – 72 399 702,69 сўм.
3. 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 947 VFA. **Бошланғич баҳоси** – 72 734 359,05 сўм.
4. 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 958 VFA. **Бошланғич баҳоси** – 70 558 926,66 сўм.
5. 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Chevrolet niva» русумли, давлат рақами 01 982 VFA. **Бошланғич баҳоси** – 42 674 359,14 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 12 июнь, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.**

Аризаларни қабул қилиш аукциони ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2020 йил 12 июнь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 19, 26 июнь куни, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ «Давр банк» Олмазор филиалидаги МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** (71) 237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## «Муборак пахта тозалаш» АЖ

### акциядорлари диққатига!

«Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил «30» июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 да Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғонида жойлашган «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бошланади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Muborakpaxta.uz

### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва безнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 5 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 26 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғони.

**Электрон почта:** Kholmirzaev2016@mail.ru

**Тел.:** (97) 447-07-52.

## «Шаҳрисабз пахта тозалаш» АЖ

### акциядорлари диққатига!

«Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 26 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда жойлашган «Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 8.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.shahrisabzpaxta.uz

### Кун тартибидаги масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва безнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқаруви органлари балансига ўтказиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 5 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 22 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уй,

**Тел.:** (97) 382-07-20.

**Электрон почта:** shahrisabzpaxta@mail.ru

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига 2020 йил учун обуна давом этмоқда!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz
Обуна индекси 466

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшларнинг билимини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, жамиятимизни демократлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари заминида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар туради.**

# Истеъдодни намойиш этиш учун муносиб имконият

Иқтидорли ёш талабаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўзи танлаган таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича мукаммал билим ва кўникмага эга бўлган замонавий архитектура лойиҳаларини, муҳандислик ишланмаларини ҳамда қурилишдаги инновацион технологияларни яратишга қодир, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бой маданий меъросни асраб-авайлаш, шу билан бирга «Устоз-шогирд» анъанасини кенг миқёсда ривожлантириш орқали ёш ижодкорларнинг билимини ошириш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ташаббуси билан жорий йилнинг 28-29 май кунлари «Янги аср истеъдодлари – 2020» республика кўрик-танлови ўтказилди.

Ушбу кўрик-танлов архитектура ва қурилиш соҳасидаги лойиҳа ва ишланмаларни ҳамда инновацион қурилиш технологияларини амалиётда қўллашга қаратилган устувор вазифаларни изчил амалга оширишга қаратилди.

Кўрик-танловни юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкор вазирлик ва идора сифатида иштирок этишди.

Илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида мамлакатимизда 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши ва унда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда бу йилги кўрик-танлов пандемия сабабли «online» тарзда ташкил этилди. Кўрик-танловда олий таълим муассасаларининг бакалавр ҳамда магистр талабалари ўзларининг лойиҳа, ишланма ва ижодий ишлари билан иштирок этишди. Кўрик-танловда 9 та номинация бўйича иштирокчилардан материаллар қабул қилинди.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган лойиҳа, ишланма ва ижодий ишларга қўйилган асосий талаб бу уларда долзарблилик, инновацион ғоя, ечим ва тугалланганлик ўз аксини топиши эди. Кўрик-танловга ушбу талабларга жавоб берадиган 150 дан ортиқ материаллар келиб тушди. Танловнинг холис ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида кўрик-танловда иштирок этмайдиган тегишли соҳа мутахассисларидан ҳар бир номинация бўйича алоҳида таркибида 3 нафардан танлов ҳайъати аъзолари танлаб олиниб, улар томонидан ишлар баҳоланди ва танлов ғолиблари аниқланиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Ҳар бир номинация бўйича ғолиблар кўрик-танлов Низомида келтирилган баҳолаш мезонлари асосида аниқланди. Кўрик-танловда қатнашган талабалар ва магистрлар ижодий ишларининг долзарблиги, макет ва лойиҳанинг янгилиги, муҳандислик лойиҳа ва ишланманинг илмийлиги ва самарадорлиги, бизнес лойиҳанинг долзарблиги ва замонавийлиги, муаллиф дунёқарашининг кенглиги, моҳирлиги ва мукаммаллиги, инновацион ғояларнинг қўлланилганлиги каби хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ёритилиши кўзда тутилди.

Республика махсус комиссиясининг карантин бўйича қабул қилаётган қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кўрик-танловнинг ташкилий гуруҳи аъзолари томонидан ғолибларга вазирликнинг 1-, 2- ва 3- даражали дипломлари ва эсдалик совғаларини топшириш муддати белгилаб олинди ва уларга хабар қилиниши кўзда тутилди.

Бу каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, пировардида эса соҳага кўплаб етук малакали кадрлар тайёрланишига хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, «Янги аср истеъдодлари – 2020» республика кўрик-танловини кейинги йилларда янада кенг кўламда мунтазам равишда ташкил этиш ва ўтказиб бориш мақсад қилинган.

**Азамиддин ҚЎЛДАШЕВ,**
**Қурилиш вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, кўрик-танлов республика ташкилий гуруҳи раҳбарининг ўринбосари.**



# ЁШЛАР меъморчилик санъатининг ривожига ҳисса қўшишмоқда

**Меъморчилик санъатининг тарихи қадим ўтмишга бориб тақалади. Тарихий манбаларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, инсоният пайдо бўлибдики, у ҳамиша ўзига муҳит, бошпана яратишни истайди. Ҳаттоки, дастлабки даврларда кишилар тошлардан, турли лой ва ер бўлакларидан, ёғочлардан ўзларига бошпана ясаб олганлар. Ана шу дастлабки «қурилиш» жараёнлари бизнинг давримизга келиб архитектура санъатини изчил ривожлантириш асосида улкан бунёдкорликларга сабаб бўлмоқда.**

Юртимизда қад ростлаётган маҳобатли бинолар, ижтимоий объектлар замонамизнинг етук лойиҳачилари, меъмор ва қурувчилари томонидан барпо этилмоқдаки, уларнинг кўриниши, кўлами ва бир қатор қулайликларга эга бўлиши ҳайратимизни шошириб қўяди. Ана шу жараёнларга ўзининг илғор ташаббус ва ғоялари, илмий ижодий қарашлари ва мустақил фикрига таянган ҳолда қайсидир маънода ҳисса қўшиб келаётган ёшларимиз борки, уларнинг бугунги изланишлари, олиб бораётган тадқиқот ишларини эътироф этиш ўринли. Ана шундай ёш олимлардан бири Ферузжон Субҳонов.

Бугунги кунда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг магистратура бўлимида таҳсил олаётган Ферузжон архитектура муҳитлари бўйича дизайнер ҳам. Ислом Каримов номидаги Давлат стипендияси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти талабалари учун таъсис этилган Ширинқулов номли стипендия совриндори. Булардан ташқари, дизайн йўналиши бўйича ўтказилган фан олимпиадаси ғолиби, бир қатор халқаро ва республикаси миқёсидаги танловлар ғолиби, илмий-амалий анжуманларнинг фаол иштирокчиси ҳамдир. Унинг бугунги кунга қадар архитектура ва дизайн йўналишлари бўйича ёзган илмий ва ижодий мақолалари республика, халқаро миқёсдаги журналлар, илмий тўпламларда чоп этилган.

Ҳозирда Ферузжон Субҳонов магистрлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб бормоқда. Республикамизнинг тарихий архитектураси, унинг замонавий дизайн кўринишлари мавзусидаги илмий иши давомида ўз билимини ошириш мақсадида тарихий ёдгорликларни мукаммал ўрганмоқда. Унинг айтишича, мамлакатимизнинг меъморчилик санъати, ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу адабиётлар уни ўзига мафтун этиб келади. Ҳамиша навқирон ва қадимий шаҳарлардан бири Самарқанд, унинг тарихий архитектура санъати, меъморий ёдгорликлари ва уларнинг пайдо бўлишига қизиқиши қаҳрамонимизни асло тинч қўймайди. Шу сабабли ҳам қадимги у Афросиёб тепалиги атрофининг ландшафт ечимини лойиҳалаштиришга қаратилган ўзига хос ташаббусни илгари сурди. Унинг таклифи қўллаб-қувватланиб, Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказилган танловда ғолиб деб топилди.

2019 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро фестиваль доирасида ўтказилган кўрик-танлов қатнашчилари ўзаро фикр ва тажриба алмашиш баробарида, илгари сураётган ғоя ҳамда ташаббусларини омма олдида намоён этишга муваффақ бўлдилар. Танловнинг «Энг яхши ландшафт лойиҳалар» йўналишида курсдошлари билан иштирок этган Ферузбек Субҳоновнинг айтишича, айнан мазкур лойиҳа асосида Тошкент шаҳридаги «Экобоғ» яқинидаги хиёбонда ландшафт дизайн ечими қўлланилди. Хиёбондаги ранго-ранг гуллар паради кишиларга ҳақиқий маънода гўзаллик ва ҳаяжон улаша олганди.

Қаҳрамонимиз бугунги кунда Самарқанддаги эски турар жой архитектурасини ўрганиш асосида ҳам илмий изланиш олиб боряпти. Албатта, унинг тарихи, ўша вақтларда иморатларнинг қурилишига Ислом динининг таъсири, биноларнинг декоратив ечимини тарихий маълумот ва манбалар асосида ўрганмоқда. Ҳаттоки, ўша даврларда инсонлар оддий лойдан ва кейинчалик эса ғиштдан кўркам бинолар қурганлари, уйлардаги ганчкор безаклар, панжаралар, эшикдаги нафис зулфинлар, илмий нақшлар юртимизнинг архитектура ва дизайн санъати жуда ривожланаганидан дарак беради.

– Илмий ишим якунида тарихий безакларни ўрганиш жараёнида янгича руҳ ва замонавийлик асосида яратаётганим элементлар каталогини тақдим этиш ниятим бор, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу орқали бетакрор маданиятимизнинг биз билмаган ва очилмаган сиру асрорларини намоён этсам не ажаб. Зероки, ушбу гўзалликларни, ҳақиқий санъат намуналарини кўриб, бугун уйларни безатишда Европа анъаналарини қўллаётган кишилар ўзимизнинг ўзбекона меъморий услублардан асло қолишмаслигини ва улар ғоятда фусункор эканлигини англасалар ажаб эмас.

Кўҳна Самарқанд ва ёки Бухородаги эски турар-жойлар, Хоразм ва Хўқанди Латифнинг эски шаҳар қисмидаги қадимий уйлар... Буларнинг бари бизга тарихдан сўзлайди. Қадим ўтмишнинг меъморчилик, қурилиш санъатидан ҳикоя қилади. Машҳур археолог Борис Маршак қадим Суғдиёнанинг тарихини ўрганиш мақсадида олиб борган қазишмалари жараёнида ўша замонларда яшаган маҳаллий халқнинг уй-жойлари шоҳ саройларидан бор-йўғи ҳажми жиҳатидан фарқланиб турганини тасдиқлайди. Ислом маданиятининг кириб келиши эса инсонларни табиат билан ҳамоҳанг бўлишга кўпроқ ундагани сабабли, кейинчалик барпо этилаётган турар жойларнинг ички муҳитида боғлар, ҳовлилар вужудга келади. Уйларнинг безатилишида ганч ва панжаралар, исломий нақшлардан кенг фойдаланилган. Архитектура санъати ҳам халқимизнинг доимо гўзалликка, табиатга интилиши натижасида равнақ топиб келаётганини инкор этмайман.

Биз суҳбат жараёнида Ферузнинг бугунги кунда юртимизда қурилаётган турар жойларнинг меъморий қиёфаси ҳақидаги фикрларини билишга ҳам қизиқдик. Унинг қарашича, бизнинг архитектура санъатимиз ҳозир ривожланиш палласида. Кўпчилик юртдошларимизнинг Европа услуби асосида, яъни романс, борокко ва бошқа йўналишларда безатишни хуш кўраётганларини инкор этмаган ҳолда, нур шарқдан чиқиб бутун оламни ёритгани сингари ўзимизнинг миллий меъморий анъаналаримиз ғоятда бетакрор эканини эътироф этади.

– Тўғри, Европа услублари ниҳоятда гўзал, ғоятда маҳобатли ва жилокор, – дейди у. – Аммо ўз услубимизнинг тарихини агар чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, биз миллий маданиятимиз анча асрлар олдин жуда ривожланганига гувоҳ бўламиз. Айнан Самарқанддаги эски турар жойлар тарихини ўрганиш асосида эса тарихнинг ёрқин саҳифаларига яна бир бора амин бўлиш, улар орқали замонавий бунёдкорликларда кенг қўллашни олий мақсадим деб билганман.

Маълумотларга кўра, Х асрда яшаган араб географи Ибн Хавқал ўз саёҳати давомида Самарқандга келади ва бу ердаги боғларда ўсимлик, буталарга алоҳида шакл берилганининг гувоҳи бўлади. Бу ўз навбатида юртимиз тарихида ландшафт дизайнининг ривожи ҳақидаги нодир маълумот саналади. Кейинчалик ушбу фикрларни Ибн Баттута, Клавихо ва бошқаларнинг асарлари янада бойитишади. Архитектура ва ландшафт энг аввало, инсонлар учун қулай бўлиши ва айни дамда у эстетик руҳ бериши шарт.

Ўзбек миллий архитектурасини ўрганган атоқли олим Булатов миллий меъморчилик намунасини замон билан ҳамнафас гармонияга сола олган шахс эди. Айнан унинг ишларида илмий асослаган лойиҳа намуналарини кўриш мумкин бўлган. Ёш кадрлар эса ана шу каби олимларнинг илмий тажрибасини мукаммал ўрганган ҳолда соҳа ривожига ҳисса қўшишлари зарур назаримизда. Зеро, дизайнер бу санъаткор, психолог, рассом мусиқачи, хуллас инсон руҳиятидан келиб чиқувчи оҳангларни англаб етувчи, ўз қалби орқали ўзга қалбларга йўл топувчи ижодкордир. У гўзалликни келажакка мерос қолдириши зарур.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

# ЎЗ-ЎЗИМНИ ТАНИМАГАН КУН

– Алло, ассалому алайкум, Умида Абдураҳимовнани мумкинми?

– Лаббай, ассалому алайкум, кимни?

– Умида Абдураҳимовнани.

– ...

Ўшанда телефон қўнғироғидаги саволга жавоб топиш учун камида 10 сониялар ўйланиб қолдим. Таниш исм айтилди, жуда таниш деб хаёл қиламан-у, ўйлайман, аслида бу бошқа биров эмас, ўзим эканимни англагунимча телефондаги суҳбатдошимни ҳам бироз ўнғайсизлантирдим очиғи. Лекин ишонинг, буни атайин қилганим йўқ. Ўзим ҳам ҳалигача ҳайронман. Бироқ, ўша кунгача мен кимгадир «Умида синглим», яна бошқага «Умида опа», жуда расмий мурожаат бўлса, «Умида Бойзоқова» эдим. Ўша куни эса биринчи маротаба «Умида Абдураҳимовна» дейилса, ўзимни ўзим тополмай қолдим, очиғи. Балки кулаётгандирсиз, лекин бу бор гап.

Асли касбим журналист бўлгани учун кўплаб давлат ташкилотлари ва идоралари фаолияти билан яқиндан танишганман, кўплаб тадбирларида қатнашганман. Мени қизиқтирадиган бир жиҳат шуки, аксарият корхоналарда фақат раҳбариятга отасининг исмини қўшиб мурожаат қилиш урфда. Гўёки, «Фалончи Тугунчиевич» деб айтилмаса, шу инсонга бўлган ҳурмат камайиб қоладигандек.

Ҳозирги иш жойимга қадар Миллий Телерадиокомпания тизимида ишлаб, бир эмас, бир неча маротаба иш жойимни ўзгартирганман. Орада маълум бир муддат мактабда ҳам фаолият олиб борганман. Лекин ишонасизми, ҳеч қачон қайси жамоада ишлаганимдан қатъи назар, раҳбарга отасининг исмини қўшиб мурожаат қилмаганман, улар мен учун ҳамиша «ака» ёки «опа» бўлишган. Ишдаги камчилик ва хатоларимиз учун бизга дакки берадиган, ҳа, ҳа, ёмон бўлгин деб эмас, аксинча, яхши бўлгин деб жон куйдирадиган, ишларимиз яхши бўлганда эса муносиб эътироф эта биладиган раҳбарни кўнгилга яқин қилиб, «ака» ёки «опа» дейишни, нимаси айб экан?!

Айрим тадбирларда ташкилот раҳбарларидан интервью олишга тўғри келганда, ўз одатимга кўра «ака» дея мурожаат қилишим ортидан ёрдамчиларидан дакки эшитишимга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Эмишки, уларга «ака» деб гапирганлар умуман ёқмас экан. Энг қизиғи, ўша раҳбарларнинг бирортасидан ҳам бундай реакцияни ҳеч кузатмаганман. Лекин ўша ёрдамчилари, сизни ўзингизга айтмасдан, бизга эътироз билдирадилар, эл қаторида мурожаат қилинг, деб ҳеч қўйишмагани сабаб балки бу мендаги кўзга ташланаётган камчиликдир деб, ишдан уйга қайтган пайтларим ойнага қараб шундай гапиришни ҳафталаб машқ қилдим, лекин буни уддасидан чиқа олмадим, балки ич-ичимдан хоҳламаганим бунга сабаб бўлдими?! Ёки ҳеч қачон бундай гапирмаганим учунми, хуллас, билмадим, лекин ҳозир ҳам уларга шундай «ака» деб мурожаат қиламан. Наҳотки, раҳбарга бўлган ҳурмат шу тариқа белгиланса?! Куннинг асосий қисми иш вақтимизга тўғри келади. Ҳамкасбларимиз эса бизга оила аъзоларидек гап. Оилада эса, расмиятчилик эмас, самимият бўлади. Аслида «Фалончи Тугунчиевич» дейиш, собиқ совет тузумидан қолган мерос эмасми?! Бизнинг ўзбекчиликда бундай гаплар авваллари бўлмаган шекилли?!

Она тилига бўлган ҳурмат мана шундай кичик-кичик жиҳатларда намоён бўлади ва биз аслимизга, ўзлигимизга мос тарзда сўзласак, мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ўйлар менинг шахсий фикр-мулоҳазаларим, холос. Лекин –евич, -ович, -евна, -овна каби қўшимчалар ўзбек тилига рус тилидан кириб келгани бу айни ҳақиқат. Буни тилшунослар яхши билишади.

Модомики, гап кишининг исм-шарифи ҳақида борар экан, бу барчамизга тааллуқли бўлган муҳим масала. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат бор. Паспортингизни қўлингизга олиб, бир ўқиб кўринг-а, ундаги сиз ҳақингиздаги маълумотлар тўла-тўкис тўғри ёзилганмикан?! Гап фақат рақамларда эмас, нима учундир асосан рақамлардаги хатоликларгагина эътибор қаратишга ўрганиб қолганмиз. Сўзлардаги ғализликлар-чи?! Ҳеч кимни камситмаслик ва кўнглига тегмаслик учун мисол тариқасида бировни эмас, ўзимни ёзаман: «Байзакова Умида Абдираҳимовна» (паспорт бўйича).

2013 йиллари, эндигина турмушга чиққан пайтларим эди. Яхши биласизки, никоҳдан сўнг аксарият аёлларнинг фамилияси ўзгаради, жумладан, менинг ҳам. Ўша пайтлари «Ассалом, Ўзбекистон!» маданий-маърифий кўнгилочар дастурида янги нашрлар ҳақидаги саҳифани тайёрлардим. Бир куни хизмат телефони жиринглади ва ҳамкасбларимиздан бири мени сўрашаётганини айтиб, гўшакни қўлимга тутқазди. Ёшлари олтмишдан ошган овоз эгаси ўзини тилшунос домла сифатида таништирди. Эътиборсизлигим сабаб уларнинг исм-шарифларини эслаб қолмаган эканман. Ўшанда улар: «Қизим, сиз фамилиянгизни аслида нима маъно англатишини биласизми?», дея савол бердилар. Мен ҳам яқинда турмушга чиққаним сабабли фамилиям ўзгаргани, паспортда Байзакова деб ёзилгани, эфир талабидан келиб чиқиб, ўзбекчалаштирган ҳолда Бойзоқова деб ёзганимизга изоҳ бергандек бўлдим. Улар бўлса: «Қизим, ўзбек тилида Бойзоқ деган исм йўқ, Боюзоқ деган исм учрайди. Сизнинг фамилиянгиз ҳам шу исмдан шаклланган бўлиб, Бойзоқова аслида Боюзоқова бўлиши керак. Буни тилшунос сифатида яхши тушунганим учун сизларга қўнғироқ қиляпман. Биламан, аксарият юртдошларимизнинг паспортида шу каби хатоликлар учрайди. Лекин телевидение орқали ҳам худди шу хатоликларни такрорлаш тўғри эмас, бу аввало ўзингизга нисбатан ҳурматсизлик бўладику, ахир», дея гўшакни қўйдилар. Тилшунос домла ҳақ эди.

Маълум бир давр оралиғида туғилганлик ҳақида олинган гувоҳномаларда ярим рус, ярим ўзбек айрим чаласаводларнинг шарофати билан йўл қўйилган мана шундай хатоликлар сабаб яна қанча юртдошларимиз шундай исм-шарифи ёзилган паспорт олишга мажбур бўлишган. Ҳозирда иш гувоҳномасидан тортиб, киши шахсини тасдиқловчи барча хат-ҳужжатларда мана шундай ҳолатлар учрашига оддий ҳолдек қарашга ўрганиб бўлдик. Бу фикрим билан барча ҳужжатларни янгилаш зарур демоқчи эмасман. Мазкур жараён маълум бир маблағ, яъни тўлов ва яна қанча ҳаракат ва оворагарчиликни талаб этиши боис, кўпчилигимиз шу каби хатоликларни тўғрилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаганмиз. Лекин қачонлардир, эзгу ташаббус кўрсатилиб, барча юртдошларимиз она тилимизга мос, ота-оналари қўйган ўзбекона исм-шарифга ўтишларига муносиб бир имкон бўлса, албатта мен ҳам «Байзакова Умида Абдирахимовна» эмас, балки «Боюзоқова Умида Абдураҳим қизи» бўламан!

**Умида БОЙЗОҚОВА,**
**Қурилиш вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-653.
2146 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 22.05. Топширилди – 23.05.

1 2 3 4 5 6